



## ИЧБУРУҒ БЎЛМАГАН ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДА ЭШЕРИХИЯЛАРНИНГ АЖРАЛИШИ

**Шайқулов Ҳамза Шодиевич**

*Самарқанд давлат тиббиёт университети  
катта ўқитувчиси*

**Исокулова Муҳаббат Мардановна**

*Самарқанд давлат тиббиёт университети  
ассистенти*

**Шодиев Жавахир Ҳамзаевич**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтини талабаси.*

**Аннотация.** Илмий ишда деарей билан касалланган катталар ва болаларнинг ичак микрофлорасидаги ўзгаришлар жисмонан соғлом - назорат гуруҳидагиларнинг ичак микрофлораси кўрсаткичларига нисбатан қийсий маълумотлар ёритилган. Бунда этиологиясида дизентерия бўлмаган ўткир ичак касалликлари билан касалланган жами 111 бемор ва қийслаш учун 186 нафар соғлом (116 бола, 70 катталар) ўрганган.

**Калим сўзлар.** *Escherichia coli, E. coli, деарей, микрофлора, дисбактериоз, ўткир ичак касалликлари, шартли патоген, гемолитик, эшерихия, ичбуруғ, энтерококк, стафилококк, замбуруғ.*

### **Кириш.**

Сўнгги йилларда шартли патоген микроорганизмлар келтириб чиқарадиган касалликлар салмоғининг ортиши муносабати билан яллиғланиш касалликларида ичак нормал микрофлораси вакиллариининг ролини ўрганишга қизиқиш сезиларли даражада ортди [3, 5-11,15]. Қатий ва факултатив ичак флораларнинг кўплаб вакмлари шартли патогенлардир [1, 4-7, 9, 14].

Антибиотиклар ва кимётерапевтик препаратларнинг кенг қўлланилиши туфайли одамлар ичаги нормал микрофлораси вакилларидадан бўлган шартли патогенларнинг турли хил касалликларни келтириб чиқаришдаги ролини урганиш сезиларли даражада ошди [3,5,11-15].

Ичак микроорганизмларининг кенг вакиллари орасида гемолитик эшерихиялар болалар ичак патологиясида катта аҳамиятга эгадир [6,11,14].

### **Ишнинг мақсади.**

Ушбу мақолада биз ичак яллиғланиш касалликлари билан касалланганлар ва жисмонан соғлом бўлган катталар ва болаларнинг ичак микрофлораси таркибини ўрганганиш.

### **Материал ва услублар.**



Этиологиясида дизентерия (ичбуруғ) бўлмаган ўткир ичак касалликлари билан касалланган жами 111 бемор ва қиёслаш учун 186 нафар соғлом (116 бола, 70 катталар) ўрганилди.

Материаллар (ичак ажратмаси-нажас) касалхонага ётқизилганидан кейин 1-3 кунларда олинди. Микрофлоранинг сифат ва миқдорий Соғлиқни сақлаш вазирлигининг методологияси, дисбактериоз диагностикаси бўйича кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилди [12].

Жисмонан соғлом болаларнинг нажасларини бактериологик тадқиқотлар натижалари ичак касалликлари билан касалланганлардаги микрофлоранинг таркиби ва хусусиятларининг ўзгаришини тавсифлаш учун асос бўлди.

**Олинган натижалар.**

Жисмонан соғлом болаларнинг ичак аажратмалари таркибида ичак таёқчаларининг 100% ҳолатларда ажралиши кузатилди. Энтерококклар бироз камроқ ( $84,5 \pm 3,3\%$ ) ажралиши кузатилди.

Ичак ўткир юқумли касалликлари билан касалланганларнинг ичак флорасида чуқур ўзгаришлар кузатилди ва унда патоген ва шартли патоген кўзғатувчилар аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Патоген ва шартли патоген кўзғатувчилар аниқланиши**

№	Кўзғатувчиларнинг номи	Болаларда аниқланиши (%)	Катта ёшлиларда аниқланиши (%)
1	ЭТИТ	30–50	15–30
2	ЭАИТ	30–35	20–25
3	ЭИИТ	15–25	10–15
4	Salmonella spp. ва Shigella spp.	10	5
5	Campylobacter jejuni	15	3
6	Aeromonas spp.	5	3
7	Plesiomonas shigelloides	5	3
8	Vibrio cholerae ва вабо бўлмаган вибрионлар	0	1
9	Rotavirus ва norovirus	40	10
10	Norwalk вирус –	40	10
11	Entamoeba histolytica	5	3
12	Cryptosporidium spp.	2	1
13	Cyclospora spp	1	1



14	Этиологияси номаълум диарея	20	10
----	-----------------------------	----	----

Бунда катта ёшдаги одамларга нисбатан болаларда диареянинг учраш фоизи баландлиги кузатилди.

Болалар ўртасида касалликнинг учраши таҳлилида, 1-3 ёшдаги болаларга нисбатан 4-7 ёшдаги болаларда ўткир диарея касаллиги кўпроқ учраб 53,3% ва 46,7% ни ташкил этди (2-жадвал)

**2-жадвал**


**Энтеробактерияларни болаларда учраши**

Бемор болаларни ёшлари	1-3 ёш		4-7 ёш	
	Абс.	%	Абс.	%
Жаъми текширилган беморлар сони	32	53,3	28	46,7
Беморлардан ажратилган микроблар	26	81,2	23	82,1
Шигеллалар	5	15,6	8	28,6
Эшерихиялар	13	40,6	9	31,1
Салмонеллалар	8	25	6	21,4
Аниқланмаган қўзғатувчилар	6	18,8	5	17,9

Аввало, патогенлик белгиларига эга бўлган микроорганизмлар сони кескин ортанлиги аниқланди. Соғлом ва касалланган болаларнинг натижалари ўзаро қиёсланганда, касалланган болаларда гемолитик ва энтеропатоген эшерихия серотиплари деярли уч баравар ортиб кетиши маълум бўлди.

Соғлом болалар ва бемор болалардан ажратилган гемолитик ичак флоралари ўзаро қиёсланганда, соғлом болаларга нисбатан бемор болаларда гемолитик стафилококклар тўрт баравар кўп - 54,9 фоиз ҳолларда учраши, ва улардан 14,4 фоизида тилларанг стафилококклар бўлиб, соғлом одамларда улар аниқланмади. Гемолитик энтерококклар назоратдаг соғлом гуруҳдагиларга нисбатан беморларда беш мартаба кўп аниқланди.

**1-расм**



Ачитқи ва ачитқисимон замбуруғлар соғлом одамларда 5,1 фоизни ташкил этган бўлса, беморларда 3,5 мартадан кўпроқ аниқланди. Худди шундай кўрсаткич протей таёқчаларига нисбатан ҳам кузатилди.

Дизентерия этиологияли ичак ўткир бактериал касалликларининг аксарият ҳолларида уч ёки тўрт (32,4% ва 42,3%) турдаги шартли патоген микроорганизмларнинг ассоциацияси кўринишида аниқланди. Бунда кўпинча ичак таёқчалари билан биргаликда + энтерококклар + стафилококклар + протеус таёқчаларининг ўзаро ассоциацияси қайд этилди.

Тадқиқотларимизда гемолитик энтерококклар сурункали колит ва энтероколитдари бўдган беморларда соғлом одамларга қараганда деярли саккиз марта кўп, сурункали дизентерия билан оғриган беморларда эса уч барабар кўпроқ ажратилди.

Ичак дисбактериозининг кўрсаткичларидан бири бўлган ачитқи ва ачитқисимон замбуруғларнинг учраши бўйича маълумотлар ҳам қизиқарлидир. Ушбу микроорганизмлар сурункали колит билан оғриган беморларнинг деярли ярмида (47,4%) ва дизентериянинг ўткир ва сурункали шакллари бўлган болаларнинг 25 фоиздан ажратилган. Бу флоралар назорат гуруҳи бўлган жисмонан соғлом одамларда 5,1-5,7% ҳолларда аниқланди.



### Хулоса:

1. Диарея кузатилган болаларда патогенлик омиллари бўлган микроорганизмлар сони кескин ортади (гемолитик ичак таёқчаси 85%, гемолитик стафилококклар 54,9%, гемолитик энтерококклар 62%, ачитқи ва ачитқисимон замбуруғлар 25% ҳолларгача).

2. Гемолитик эшерихиялар бемор болалардан юқори частоталарда ( $85,0 \pm 1,7$ ) учраса ва соғлом болаларда паст частоталарда ( $8,2 \pm 1,5$ ) ажралишини ва бундай ҳолат диареянинг лаборатория диагностикасида эътиборга олинishi кераклиги эътиборлидир.

### Адабиётлар.

1. Giyosovna, S. D., Fazliddinova, B. M., & Shodiyevich, S. H. (2023). FITOPATOGENLARGA QARSHI BAKTERIYALARDAN FOYDALANISH VA ULARNING SAMARADORLIGINI BAHOLASH. *IQRO*, 2(1), 78-82.
2. Sh, S. H., & Mamarasulova, N. I. (2023). ANTIBIOTIKLAR VA ANTIBIOTIKOREZISTENT LAKTOBAKTERIYALARNI BIRGALIKDA BOLALARDAGI ESHERIXIOZ KASALLIKLARNI DAVOLASHDA QO'LLANISHI.
3. Shaykulov, X. S., & Boboqandova, M. F. (2023). ICHAK O'TKIR YUQUMLI KASALLIKLARI BILAN KASALLANGAN BOLALARDA SHARTLI PATOGEN ENTEROBAKTERIYALARNING UCHRASHI. *GOLDEN BRAIN*, 1(4), 25-33.
4. Shaykulov, H. S., & Ubaydullaevich, N. D. (2023). BAKTERIAL ICHBURUG 'BILAN OG'RIGAN BEMORLARNING IMMUN KO'RSATKICHLARIDAGI AYRIM O'ZGARISHLAR. *GOLDEN BRAIN*, 1(5), 163-167.
5. Костенко И. В., Крамаренко Т. А. Анализ данных в научных исследованиях с использованием критерия Пирсона //ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЩЕСТВО: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. – 2017. – С. 24-26.
6. Расулова, М. Р., Юлаева, И. А., & Шодиев, Ж. Х. (2023). СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ДИАГНОСТИКИ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 225-235.
7. Расулова, М. Р., Юлаева, И. А., & Шодиев, Ж. Х. (2023). СОВРЕМЕННАЯ КЛАССИФИКАЦИЯХ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 120-127.
8. Расулова, М., & Индиаминов, С. (2019). Судебно-медицинские аспекты повреждений гортани при тупой механической травме. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (1 (107), 159–162. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/problems\\_biology/article/view/2056](https://inlibrary.uz/index.php/problems_biology/article/view/2056)



9. Расулова, М., Юлаева, И., & Шодиев, Ж. (2023). ПЕРЕЛОМЫ КОСТЕЙ НОСА В ПРАКТИКЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *Евразийский журнал медицинских и естественных наук*, 3(1 Part 1), 78-84.
10. Саъдинов, П., Шайкулов, Х., Индиаминов, С., & Расулова, М. (2014). Клинико-эпидемиологическая характеристика стафилококковых энтероколитов у детей раннего возраста. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (3 (79), 151–152. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/problems\\_biology/article/view/6274](https://inlibrary.uz/index.php/problems_biology/article/view/6274)
11. Хусанов, Э. У., Расулова, М. Р., & Шайкулов, Х. Ш. (2022). Особенности повреждений подъязычно-гортанного комплекса при тупой механической травме. *Астана медициналық журналы*, (S1), 262-265.
12. Шайкулов Ҳамза Шодиевич, Эрматов Низом Жумакулович, Расулова Мухсина Розиковна, Шодиев Жавохир Хамзаевич, & Хожаназарова Саулехан Жубатировна. (2023). MICROSOFT EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИ СТАТИСТИК ҲИСОБЛАШ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(4), 67–75. Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/article/view/691>
13. Шодиевич, Ш. Х., & Нарзиев, Д. У. (2023). БОЛАЛАР ИЧАК ЭШЕРИХИОЗИНИ ДАВОЛАШДА АНТИБИОТИКОРЕЗИСТЕНТ ЛАКТОБАКТЕРИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(17), 236-244.
14. Юсупов, М., Шайкулов, Х., Жамалова, Ф., & Очилов, У. (2023). Иммунный статус детей с коли инфекцией, вызванной гемолитическими эшерихиями до и после лечения бифидумбактерином и колибактерином . *Журнал биомедицины и практики*, 1(4), 164–168. <https://doi.org/10.26739/2181-9300-2021-4-24>
15. Юсупов, М., Шайкулов, Х., Одилова , Г., & Мамарасулова , Н. (2023). Раннее выявление ротавирусной инфекции у детей. *Каталог монографий*, 1(1), 1–68. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/monographs/article/view/27369>